

ТУМАН ИИБ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ



Эслатиб ўтамир, Ўзбекистон Республикаси ИИБ нинг 2021 йил 09 ноябр кунидаги 238-сон Фармойишига кўра, 15 ноябр кунидан 15 декабр кунига қадар “Касбий тайёргарлик ойлиги” этиб белгиланган.

Ушбу фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида “Касбий тайёргарлик ойлиги” муносабати билан Қумқўрғон туман ИИБ ходимлари ўртасида спортнинг 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, шахмат ҳамда минифутбол тури бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Бундан ташқари, ходимларнинг интеллектуал билимини ошириш, маънавий-маърифий салоҳияти, дунёқараши, сиёсий онги, маънавий қиёфасини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини мустаҳкамлаш мақсадида малакали раҳбар кадрлар томонидан “маҳорат дарслари” ҳам ўтказилиб келинмоқда.